

Tibbiyot insonni, veterinariya insoniyatni davolaydi

ZOOVETERINARIYA

ilmiy-omtabop  jurnal

2013
6
iyun

ISSN 2091-5543

5-бет

Хабардорлик –
давр
талаби

6-бет

Яна қорасон
ҳақида

14-бет

Спорт
отларида
шикастланишлар

24-бет

Сигирларда
тухумдонлар
хасталиги

27-бет

Гўштни
сақлашнинг
ветсан-
экспертизаси

31-бет

Бушуев
зотли
сигирлар
маҳсулдорлиги

43-бет


Асалари
бўриси

48-бет

Табаррук
ёш
муборак,
устоз

Дунёда ўз халқининг фаровонлигини кўзлаб тадбиркорлиги ташаббускорликка катта эътибор бераётган давлатлар кўп эмас. Шу боис Ўзбекистон иқтисодиётидаги ижобий ўзгаришлар, ютуқлар, аграр соҳадаги эврилишлар хорижлик зукко олимлари экспертлар томонидан юқори баҳоланмоқда. Биргина чорва наслини яхшилаш борасидаги янгиликларни олайлик. Хориждан минглаб насли қорамоллар келтирилаётганини, бунга давлат хазинасидан катта маблағлар ажратилаётганини айтинг. Айни чоғда натижа яққол кўзга ташланмоқда. Нафақат йирик чорвачилик мажмуаларию фермер хўжаликлари фермасида, балки аҳоли ихтиёридаги насли қорамоллар сони ҳам ортиб бормоқда. Наслчиликнинг ўзати саналмиш-сунъий уруғлантириш тизимини ҳукуматнинг ўзи қўллаб-қувватламоқда. Нафақат пахтаю ғалла балки чорваю парранда, асаларию балиқчилик билан шуғулланаётган кўп тармоқли фермер хўжаликлари кўпаймоқда. Улар нафақат ички бозорга, балки Ўзбекистон тамғаси босилган турфа хил маҳсулотларни хорижга экспорт қилмоқда. Буларнинг бари юртбошимиз томонидан истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ бошланган ва узоқни кўзлаган туб ислохотлар меваларидир.

Азиз ҳамкасблар! Жамиятимиздаги ҳар бир ўзгаришу ютуқдан қувониб, шу эл, шу юрт учун қуюнчак бўлган ватандошлар! 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари қўни барчангизга муборак бўлсин! Фарзандлар бахту иқболини, қувончини соғ-саломат қўриш барчамизга насиб этсин! Юртимизнинг танти ва ташаббускор мулкдорларию мутахассислари, фозилларию юрагида ўти бор кишилари сингари чарчоқ билманг!



Тахрир хайъати раиси
Б.САЙИТҚУЛОВ — в.ф.н.

Тахрир хайъати:

Ш.АКМАЛХОНОВ — академик
Ж.АЗИМОВ — академик
С.АЗИМОВ — профессор
Н.АХМЕДОВ — профессор
Р.ДАВЛАТОВ — в.ф.д.
Н.ЙУЛДОШЕВ — в.ф.н.
И.МАМАТҚУЛОВ — профессор
У.НОСИРОВ — профессор
Б.НОРҚОБИЛОВ — ЧМЧУ
А.ОРИПОВ — профессор
Х.САЛИМОВ — профессор
Б.САЛИМОВ — профессор
Х.САПАРОВ — т.ф.н.
А.ФАРМОҲОНОВ — доцент
О.ШАРИПОВ — к/х.ф.н.
Э.ШАКАРБОЕВ — б.ф.д.
С.ЮСУПОВ — профессор
А.ҚАХАРОВ — профессор
Р.ҲАЙИТОВ — профессор

Бош муҳаррир вазифасини бажаувчи:

Абдунаби АЛИҚУЛОВ

Бош муҳаррир уринбосари:

Ғайрат МЕНГЛИЕВ

Масъул котиб:

Муаттар Дадажоновна

Муҳаррир (рус тили):

Владимир ДУБОВ

Диз@йнер:

Алишер ШОМАХМУДОВ

2007 йил сентябрдан чоп этилмоқда

Лойиҳа ташаббускори ва раҳбари:
Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хужалиги вазирлигининг Давлат ветеринария бош бошқармаси

Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария бош бошқармаси,
Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар уюшмаси,
Ўзбекистон фермерлар кенгаши,
«AGROZOOVETSERVIS» масъулияти чекланган жамияти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0284-рақам билан рўйхатга олинган

Манзил: 100070, Тошкент шаҳри,

Усмон Носир, 22 А/Я: 5628.

Тахририят манзили: 100084, Тошкент

шаҳри, Бодомзор йули, 37 А/Я: 5521

Тел.: + (99895) 170-22-35

(8371) 234-77-22

Web-сайт: www.goldenpages.uz

справочник

E-mail: zooveterinariya@mail.ru

Адади-3650

Нашр индекси: 1162

Босишга рухсат этилди: 10.06.2013
Бичими 60x84¹/₈. Офсет усулида чоп этилди. 6 б.т. Буюртма №103.

Баҳоси келишилган нархда.

Илмий мақолаларда келтирилган илмий далил ва рақамлар учун муаллифлар масъул.

© «Зооветеринария», #6 (67) 2013

"KAMALAK-PRINT" МЧЖ

босмаҳонасида чоп этилди.

Манзил: Тошкент ш., Широқ кучаси, 2 уй.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Жараён

А.АЛИҚУЛОВ – Ишлайман, деган баҳона қидирмайди3
А.АЛИҚУЛОВ – Хабардорлик- касаллик қушандаси5

ВЕТЕРИНАРИЯ ТИББИЁТИ

Юқумли касалликлар

И.САЛИМОВ ва б. – Қорамол ва қўйларнинг қорасон касаллигига қарши ГОА формол вакцинани иммуногенлигини комиссияси синови натижалари6

Юқумсиз касалликлар

А.БЕРДИЯРОВ ва б. – Бўғоз совлиқларда оксил-углевод алмашинуви бузилишлари гуруҳли профилактикасининг клиник кўрсаткичларга таъсири10

Ветеринария жарроҳлиги

У.РАҲМОҲОНОВ, Р.ТАШТЕМИРОВ – Итлардаги таносил саркомани даволашда қондаги узғаришлар12

Х.РАҲМОҲОНОВА, Р.ТАШТЕМИРОВ – Спорт отларида шикастланишлар турлари, этиологияси ва даволаш усулларининг адабиётлар шарҳи14

Паразитар касалликлар

У. ШАКАРБАЕВ ва б. – Моллюски lumnaeidae – промежуточные хозяева трематод в водоемах реки Сырдарьи16

А.ОРИПОВ и др. – Теоритические основы и практические подходы к разработке мер борьбы с гельминтозами18

Фармакология ва токсикология

Ю.САЛИМОВ, Ғ.ҚҮЛДОШЕВ – Ҳайвонлар иммун тизими ва репродуктив фаолиятига пестицидлар таъсирини ўрганиш22

Акушерлик ва гинекология

С.КОНДРУЧИНА – Гипофункция яичников у коров и способ ее лечения24
Т.СОБИРОВ ва б. – Тукқан сигирларни сервис даврини қисқартириш усуллари26

ЗООГИГИЕНА, ВЕТЕРИНАРИЯ-САНИТАРИЯ, ЭКОЛОГИЯ

А.ПЕРЕВОЗЧИКОВ – Гуштни сақлаш жараёнидаги ветеринария-санитария экспертизаси27

ТИББИЁТ: АНТРОПОЗООНОЗЛАР ЭПИДЕМИОЛОГИЯСИ

Общие сведения об орнитозе30

ЧОРВАЧИЛИК

Наслчилик

Б.НОСИРОВ ва б. – Турли ишлаб чиқариш типига мансуб бушуев зотли сигирларнинг тирик вази ва сут маҳсулдорлиги31

М.ШАГАЕВА ва б. – Сигирларда бўғозлигини кечуви ва туғиш жараёнига темир қуқунининг таъсири32

С.ЮСУПОВ ва б. – Ҳар хил рангдаги ва қатта кичикликдаги тузланган ва қуритилган қоракўл териларнинг айрим сифат кўрсаткичлари33

Паррандачилик

В.ИВАШКИН, Н.МАРКЕЛОВА – Генетический потенциал кроссов компании «ISA – Hendrix Genetics» в ООО «ППР «Свердловский» и у партнёров35

Пиллачилик

У.АХМЕДОВ ва б. – Нуксонли пиллаларни келиб чиқишига муҳит омилларининг таъсири 38

Ч.БЕККАМОВ ва б. – Озуқа миқдори ва ҳароратни пиллаларнинг технологик кўрсаткичларига таъсири40

Ғ.ФАЙЗУЛЛАЕВА ва б. Пилла ўраш жараёнида турлича ҳарорат ва ҳаво намлигини пилланинг биологик кўрсаткичларига таъсири42

Асаларичилик

О.ТУРАЕВ – Асалари бўриси асалари учун хавфлими?43

ОЗУҚА

С.ИСАМУХАМЕДОВ ва б. – Донадор озуқаларни тайёрлаш технологияси44

ЗООВЕТМАСЛАҲАТ

А.САЙИТАХУНОВ ва б. – Ҳайвонлар идентификацияси ва унинг чорвачиликдаги аҳамияти45

УЮШМА МИНБАРИ

Пиллакорлар хурматидаги инсон48

У.РАХМОНОВ, магистр, Р.ТАШТЕМИРОВ, доцент, СамҚХИ

ИТЛАРДАГИ ТАНОСИЛ САРКОМАНИ ДАВОЛАШДА ҚОНДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Аннотация

Хавфли ўсмаларда организмнинг иммун тизими бостирилган бўлади. Онкологиядаги бундай муаммонинг актуаллигини ҳисобга олган ҳолда иммунологик ва гематологик кўрсаткичларига таъсир этадиган носпецифик актив иммунотерапия воситаларига кирувчи иммуномодулиннинг таъсири ўрганилди.

Summary

At malignant diseases the immune system of organism is suppressed. Taking into consideration the topicality of this problem in oncology, there is studied the effect of immunoglobuline, which is related to nonspecific preparations of active immunotherapy on the immunological indexes of sick dogs.

Мавзунинг долзарблиги

Маълумки, энг самарали даволаш усуллари касалликка олиб келадиган патологик жараёнларга қарши курашишда ҳайвон организмиде кечадиган биофизикавий ва биокимёвий жараёнларни кучайтиришга асосланган.

Ҳозирги вақтда кўпчилик ўсиб келадиган ўсмалар организмнинг иммунитетини бостиради деб ҳисобланади. Иммунодепрессив эффект энди ривожлана бошлайдиган ва юқори босқичгача ривожланган хавфли ўсмаларда ҳам кузатилади.

Терехов П. Ф. (1983), <http://www.vetcare.ru/articles/371.html> ва бошқа олимлар таъкидлашича вирус чақирган хавфли ўсмаларда организмнинг иммун тизими бостирилган бўлади ва бунда биринчи навбатда ҳужайрали иммунитет бостирилади. Шундан келиб чиққан ҳолда, онкологик патологияни даволашда иммунотерапия ва иммунологик реактивликни кучайти-

риш каби йўналишларни ўрганиш актуал муаммо бўлиб қолмоқда (Нарзиев Б.Д. Исмадова Р., Тен Н., Парманов М. 2004; Нарзиев Б.Д. Дўстқулов В. 2005).

Онкологиядаги бундай йўналишнинг жуда катта актуаллигини ҳисобга олган ҳолда ва ўсмаларни даволашда кўшимча усулларни топиш учун изланишларимиз онкологик касалликларга чалинган итларда иммунологик ва гематологик кўрсаткичларига таъсир этадиган носпецифик актив иммунотерапия воситаларига кирувчи иммуномодулиннинг таъсирини ўрганишга қаратилган.

Тадқиқот манбаи ва услуби

Итлардаги таносил саркомани самарали даволаш усулини аниқлаш мақсадида биз Самарқанд қишлоқ хўжалик институти, Ҳайвонлар анатомияси, физиологияси, жарроҳлик ва фармакология кафедрасига келтирилган касал итларни тажриба ва назорат гуруҳларга ажратдик.

Тажриба гуруҳидаги 5 бош касал ҳайвонларнинг ўсмалари ва тегишли регионал лимфотугунлари оператив йўл билан олиб ташланди. Ундан ташқари итларга мускул орасига 1 мл миқдорида 10 кун мобайнида иммуномодулин юборилди.

Назорат гуруҳидаги 5 бош итлар ҳам операция қилинди, аммо иммуномодулин юборилмади.

Тажрибалар ўтказиш жараёнида касалланган итлар қонининг морфологик текширишларини амалга оширдик.

Тадқиқот натижалари

Тажриба гуруҳидаги итларнинг қони текширилганда иммунотерапиягача Т-лимфоцитларнинг

миқдори $38,2 \pm 2,6$ % бўлса, кейин $53,3 \pm 0,3$ % ни ташкил қилди. Абсолют кўрсаткичлар эса $277,4 \pm 0,6$ мкл кейинчалик $1271 \pm 0,8$ мкл ни ташкил қилди. В-лимфоцитлар миқдори иммунотерапиягача $4,3 \pm 0,3$ % бўлган кейинчалик эса $15,66 \pm 1$ % га кўтарилди, абсолют кўрсаткичлар бошида $31,6 \pm 0,8$ мкл кейин $374,2 \pm 1,5$ мкл ташкил қилди (1-жадвал).

1-жадвал

Тажриба гуруҳидаги итларнинг қонида Т, В лимфоцитлар ва абсолют кўрсаткичнинг миқдори

№	Қон кўрсаткичлари	Иммунотерапиягача	Даволашдан сўнг
1	Т-лимфоцитлар	$38,2 \pm 2,6$ %	$53,3 \pm 0,3$ %
2	В-лимфоцитлар	$4,3 \pm 0,3$ %	$15,66 \pm 1$ %
3	Абсолют кўрсаткич	$277,4 \pm 0,6$	$1271 \pm 0,8$

Назорат гуруҳидаги итлар қонида иммун тизими томонидан стабил ижобий ўзгаришлар кузатилмади. Масалан: Т-лимфоцитлар миқдори $40,6 \pm 2,3$ % дан $34 \pm 1,3$ % гача В-лимфоцитларники эса $9 \pm 2,0$ % дан $8,6 \pm 2,3$ % гача пасайди (2-жадвал).

2-жадвал

Назорат гуруҳидаги итларнинг қонида Т, В лимфоцитлар ва абсолют кўрсаткичнинг миқдори

№	Қон кўрсаткичлари	Даволашдан олдин	Даволашдан сўнг
1	Т-лимфоцитлар	$40,6 \pm 2,3$ %	$34 \pm 1,3$ %
2	В-лимфоцитлар	$9 \pm 2,0$ %	$8,6 \pm 2,3$ %
3	Абсолют кўрсаткич	$277,4 \pm 0,6$	$125,1 \pm 0,8$

Ҳақиқат ўсма олиб ташла-ниши иммун тизимининг стимуляциясига олиб келмайди, бунда албатта организмнинг ҳимоя куч-

ларини бостирадиган онкоген токсинларнинг таъсири кузатилади.

3-жадвал

Касал итлар қонининг морфологик кўрсаткичлари

№	Қон кўрсаткичлари	Ўлчов бирлиги	Миқдори
1	Гемоглобин	г/л	120 ± 1,0
2	Эритроцитлар	млн/мкл	4,5 ± 0,5
3	Лейкоцитлар	минг/мкл	8,0 ± 0,1
4	Базофиллар	дона	0
5	Эозинофиллар	дона	3 ± 0,1
6	Ёш нейтрофиллар	дона	0
7	Таёқча ядроли нейтрофиллар	дона	5 ± 0,1
8	Сегмент ядроли нейтрофиллар	дона	84 ± 0,5
9	Лимфоцитлар	дона	8 ± 0,1
10	Моноцитлар	дона	0

Кўриниб турибди итларнинг таносил саркомасида лейкоцитларнинг ва сегмент ядроли нейтрофилларнинг миқдори кескин пасайган яъни лимфоцитопения ривожланган.

Операция қилиниб, иммунотерапия ўтказилгандан кейин 8 чи кунга бориб қонни морфологик кўрсаткичларга текширдик. Олинган натижалар куйидагича (4-жадвал).

4-жадвал

Даволанган итлар қонининг морфологик кўрсаткичлари

№	Қон кўрсаткичлари	Ўлчов бирлиги	Миқдори
1	Гемоглобин	г/л	140 ± 1,0
2	Эритроцитлар	млн/мкл	5,5 ± 0,5
3	Лейкоцитлар	минг/ мкл	11,5± 0,1
4	Базофиллар	дона	0
5	Эозинофиллар	дона	3 ± 0,1
6	Ёш нейтрофиллар	дона	0
7	Таёқча ядроли нейтрофиллар	дона	3 ± 0,1

8	Сегмент ядроли нейтрофиллар	дона	70 ± 0,5
9	Лимфоцитлар	дона	24 ± 0,1
10	Моноцитлар	дона	0

4-жадвалдан кўриниб турибдики операциядан кейин яллигланишнинг таъсири камайган, яъни эритроцитлар ва лимфоцитлар миқдори кўпайган, нейтрофиллар миқдори эса айниқса сегмент ва таёқча ядролилар сони камайган.

Хулосалар

1. Таносил саркомаси ривожланган итларни даволашда иммунотерапияни муқим орасига 1 мл 14 кун мобайнида юбориш Т ва В-лимфоцитларнинг миқдорий ва фоизли ўсишига олиб келади.

2. Таносил саркома билан касалланган назорат гуруҳидаги итларда иммун статуснинг пасайиш тенденцияси кузатилди. Бу ўсманнинг иммунодепрессив таъсирини билдиради.

3. Операция қилиниб, иммунотерапия ўтказилгандан кейин яллигланишнинг таъсири камайган, яъни эритроцитлар ва лимфоцитлар миқдори кўпайган, нейтрофиллар миқдори эса айниқса сегмент ва таёқча ядролилар сони камайган.

Фойдаланган адабиётлар

1. Нарзиев Б.Д. Исмадова Р., Тен Н., Парманов М. *Неспецифическая иммунотерапия при опухолях у собак. Тр. меж. кон. «Мониторинг распространения и предотвращения особо опасных болезней у животных» Самарканд, 2004 йил.*

2. Нарзиев Б.Д. Дўстқулов В. *Ўсма билан касалланган итлар қонининг морфологик кўрсаткичлари. СамДУ илмий тўплами: Фан ютуқлари ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш истиқболлари, 2005 йил.*

3. Терехов П.Ф. *Ветеринарная онкология. М.:1983.*

4. <http://www.vetcare.ru/articles/371.html>

ВЕТЕРИНАРИЯ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

БАБЕШ НЕГРИ ТАНАЧАСИ — қутуриш касаллигида бош мия ҳужайраларида ҳосил бўладиган ва касалликни аниқлашда муҳим аҳамиятта эга бўлган таначалар (киритмалар).

БАКТЕРИДЛАР — анаэроб, спорасиз, йўғон ичкада яшовчи бактериялар оиласи.

БАКТЕРИЕМИЯ (гр. *bacterion* — бактерия, лот. *haima* — қон) — қонда бактериялар бўлиши. Кўпчилик инфекция касалликларга хос.

БАКТЕРИОЛИЗ (гр. *bacterion*†, *lysis* — эриш) — бактериялар қобилининг емирилиши, бу бактериялар цитоплазмасининг ташқи муҳитга чиқишига олиб келади. Бактериофаглар, бактериолизинлар, лизоцим ферменти шу хусусиятга эга.

БАКТЕРИОЛОГИЯ (лот. *bacterion*†, *logos*†) — бактерияларнинг морфологик тузилишини ва биологиясини, қишлоқ хўжалиги ҳамда инсон ва ҳайвон касалликларидаги аҳамиятини ўрганадиган фан.

БАКТЕРИОСКОПИЯ — бактерияларни микроскоп ёрдамида кўриш, текшириш.

БАКТЕРИОСТАЗ (гр. *bacterion*†, *stasis* - тўхтатиш) - ноқулай табиий ёки кимёвий омиллар таъсири натижасида бактериялар ривожланишининг тўхташи.

БАКТЕРИОТРОПИНЛАР, ОПСОНИНЛАР - микроорганизмларга махсус таъсир қилиб, фагоцитозни кучайтирувчи антителолар тури.

БАКТЕРИОФАГ (гр. *phagos* — емирувчи) — бактерия ҳужайрасида яшаб, кўпайиб, шу ҳужайрани эритиб юборадиган ва бактериялар яшайдиган муҳитта емирувчи зарралар чиқариш қобилиятига эга бўлган вирус.

БАКТЕРИОЦИДЛИК — ҳар хил физикавий, кимёвий ва биологик омилларнинг бактерияларни ўлдириш хусусияти.

БАКТЕРИОЦИНЛАР — ташқи таъсир остида бактерия ҳужайрасида ҳосил бўлиб, ирсий яқин бактериялар ривожланишини тўхтатувчи оксил модда.

БАКТЕРИОЦИНОГЕНЛИК — бир турдаги касаллик кўзгатувчи микроорганизмлар орасидаги қарама-қаршилиқ (антагонизм).

БАКТЕРИЯ КОЛОНИЯСИ (лот. *colonia* - тўпланиш) — бир турдаги бир ёки бир нечта бактерияларнинг қаттиқ, ярим қаттиқ озуқа муҳити юзасида ёки ичида кўпайиши натижасида ўзига хос шаклланиб тўпланиши. Колониялар ялпоқ, гумбазсимон, ичиға ботган, юзи силлиқ (S шакл), ғадир-будир (R шакл), ўнқир-чўнқир ва чети текис, ўтмасланган (арра бўлган), толасимон, баҳмалсимон бўлиши мумкин. Колониялар шакли ҳам ҳар хил: айлана, қолдузсимон, дарахтсимон бўлади. Катталигига қараб: катта (4—5 мм), ўрта (3—4 мм), ючлик (1—2 мм) ва пакана (1 мм. дан кам) бўлиши мумкин.